

32-оят. «Улар (яъни жаннатга сазовор бўлганлар) кичик хатолардан бошка катта гунохлардан ва бузукликлардан йирок бўладиган зотлардир. Албатта, Парвардигорингиз магфирати кенг Зотдир. У сизларни (яъни оталарингиз Одамни) Ўзи ердан-тупрокдан пайдо қилган пайтиданок ва сизлар оналарингизнинг корнида хомила бўлган пайтингизданок жуда яхши билгувчидир. Бас, сизлар ўзларингизни покламай кўя қолинглар! У такводор бўлган кишиларни ҳам жуда яхши билгувчидир.

Собит ибн Хорис ал-Ансорий: Агар яхудларнинг кичкина гўдак боласи ўлса, улар: – у сиддикдир, – дейишарди. Бу хабар Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га етганида, у киши: – Яхудлар ёлгон гапирибди, Аллох онасининг корнида халк қилган бирон жон йўкки, у шакий (бадбахт) ёки саид (бахтли) бўлади, – дедилар. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил қилди.

33-34-оятлар: «(Эй Мухаммад, иймондан) юз ўгириб кетган ва озгина (мол) бериб, (кейин шарт қилинган молни беришни) тўхтатган кимсани кўрдингизми?»

Ибн Аббос, Саддий, Калбий ва Мусайб ибн Шурайк: Бу оят Усмон ибн Аффон хақида нозил бўлган. У садака қилар эди ва яхшиликка инфок қиларди. Шунда эмиқдош биродари Абдуллох ибн Абу Сарх унга: – Сен нима иш қиляпсан ўзи? Бу ҳолатда сенда ҳеч нарса қолмайди-ку! – деди. Шунда Усмон: – Менинг қўп хато ва гунохларим бор. Мен қилаётган ишим билан Аллох субханаху ва таоланинг розилигини истаяпман. Унинг кечирешини умид қиляпман, – деди. Шунда Абдуллох унга: – Сен менга туянгни анжомлари билан бер. Мен эса сенинг гунохларингни барчасини ўз бўйнимга оламан, – деди. Усмон унга туясини берди ва шунга гувоҳ келтирди-да, бераётган садака ва инфокларининг бир қисмини тўхтатди. Шунда Аллох таолони нозил қилди. Буни кўриб Усмон олдингидан кўра яхшироқ ва кўпроқ садака қилишга қайтди.

Мужохид ва ибн Зайд: – бу оят Валид ибн Мугира хақида нозил бўлган. У Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га эргашган эди. Шунда айрим мушриклар уни айблаб: « Нима учун ота-боболар динини тарк этдинг, уларни адашганга чиқардинг ва улар дўзахда деб ўйляяпсан? – дейишди. У: – Мен Аллохнинг азобидан кўрқдим, – деди. Шунда мушрик унга кафил бўлдики: агар у унга мошдан берса, ва яна ширкига қайтса, ундан Аллох субханаху ва таоланинг азобини кўтаради. Буни эшитиб Валид ўша ўзини айблаб, Аллохнинг азобини ундан кўтармокчи бўлган мушрикка ваъда қилган нарсасининг баъзи қисмини берди. Кейин эса бахиллик қилиб баъзи қисмини бермади. Шунда Аллох ушбу оятни нозил қилди.

43-оят. «Албатта қулдирган ҳам, йиглатган ҳам Унинг Ўзидир».

Оиша (розияллоху анҳо): – Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) қулишиб турган бир қавм олдидан ўтиб қолдилар ва : – Мен билган нарсани билганингизда эди, қўп йиглаб, оз қулган бўлардингиз, – дедилар. Шунда Жаброил (алайхиссалом) Аллохнинг

.....сўзини олиб тушди. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) уларнинг олдиларига бориб: – Хали 40 кадам хам юрмаган эдимки, Жаброил (алайхиссалом) олдимга келиб: – Уларнинг олдига бор ва уларга: – Албатта, Аллох азза ва жалла деди, – деб айт, – деди, – дедилар.